



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 13 март, № 49 (7279)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12 март куни Навоий вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудлар каби Навоий вилоятига ҳам бир неча бор ташриф буюриб, иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. 2017 ва 2018 йиллардаги ташрифлар чоғида белгиланган чора-тадбирлар натижа-сида вилоятда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу галги ташриф Нурота туманидаги “Мармаробод” давлат унитар корхонаси фаолияти билан танишишдан бошланди. Президентимиз санаята бозор талабларини ўрганиш, харидоригир махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш фойдаланиш имкониятини доим таъминлади. Зеро, бу товарнинг сифатини, корхонанинг барқарор ишлашини таъминлади. Кейинги йилларда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда пардозбод тошларга талаб ошмоқда. Нурота туманида эса бундай тошларнинг катта захираси мавжуд. Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида берилган тошчилик мувофиқ, “Мармаробод” давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, 10 миллиард сўм эвазига 6 гектар дашт ерда замонавий корхона ишга туширилди.

Хориждан 655,5 минг долларлик технологик ускуналар келтирилиб, йилга 24 минг квадрат метр гранит тошни қайта ишлаш имконияти яратилди. Қирқ киши доимий иш билан таъминланди. Булар — лойиҳанинг биринчи босқичи. Иккинчи босқичда тош қазиб олиш ва уни қайта ишлаш кластер усулида йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳа қувватини йилга 3 миллион квадрат метрга етказиш, махсулот турини кўпайтириш ва экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 250 миллиард сўм, экспорт ҳажми 10 миллион долларга етади, бир ярим мингга яқин иш ўринлари яратилади. Давлатимиз раҳбари корхона махсулотларини кўздан кечирар экан, улар хорижий муқобилларидан қилинмаслигини қайд этди. Самарали технологияларни қўллаш, транспорт харажатларини арзонлаштириш ҳисобидан махсулот таннархини камайтириш, шу орқали ташқи бозорга чиқиш зарурлигини таъкидлади. Тошни жаҳон стандартлари даражасида чуқур қайта ишлаш учун мақоли кадрлар тайёрлаш, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда “National stone” Ўзбекистон — Канада қўшма корхонаси махсулотлари ҳам намойиш этилди. Олмаликда фаолият юритаётган бу заводда тош қуқунини зичлаш орқали турли ранг ва ўлчамдаги плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан биноларнинг ташқи қисми ва йўлакларини пардозлаш, офислар, ошхона, ювенил хонаси ва бошқа жойларни жиҳозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, корхонада тайёрланаётган тош қуқунини қуришда, кавари тошлари сув тозалашда қўлланилмоқда. “National stone” “Навоий” эркин иқтисодий зонасида яна бир шундай корхона очилиши режалаштирилмоқда. Бу режа амалга ошса, йилга 75 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш, 60 кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Президент ушбу режани маъқуллаб, корхона ривожини унун барча ёрдам кўрсатилишини таъкидлади. Қурилиш-ларда юртимизда ишлаб чиқарилган материаллардан фойдаланиш, маҳаллий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳимлигини қайд этди. Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хитойлик инвесторлар билан

ҳамкорликда мрамардан санаот ҳайкалтарошлигини ташкил этиш, Нурота тумани Фазгон шаҳарчасини бош режа асосида ривожлантириш лойиҳаларини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари мазкур ҳудуд инфратузилмаси ва санаотни ривожлантириш учун бу ерга темир йўл линияси тортиш тақлифини билдирди. Президентимиз 2017 йили Навоий вилоятига ташрифи чоғида Нурота туманидаги “Чашма” зиёратгоҳи атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, замонавий меҳмонхона қуриш бўйича кўрсатмалар берган эди. Ўтган йили бу ишлар тўла амалга оширилиб, зиёратгоҳ ҳудуди узғача чирой очди. 50 ўринли “Нурота” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Манзарали бута ва дарахлар экилиб, фаввора бунёд этилди. Зиёратчилар хордик чиқариши учун сўри ва ўриндиқлар ўрнатилди. Музей биноси, Ҳунармандчилик марказини барпо этиш ишлари давом этмоқда. Шавкат Мирзиёев тарихий қадамқон зиёрат қилди, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. “Чилустун” ва “Панжвақта” масжидлари, Абул Ҳасан

Нурий макбарасини реконструкция қилиш режалаштирилган. Шу борадаги лойиҳа тақлифлари билан танишар экан, Президентимиз зиёратчи ва чет эллик сайёҳлар учун қулайликларни ошириш, талаб қорилигини инобатга олиб яна 80 ўринли меҳмонхона қуриш, сайёҳларга қўрсатилган хизмат турларини кўпайтириб, аҳолини қўшимча даромад билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Қудуқлар қазилар ва томчилик сугоришини йўлга қўйиш орқали Нурота туманидаги ламли ерлардан самарали фойдаланиш, дуққаки экинлар етиштириш ва чорвачиликни кенгайтириш, паррандачилик-ғаллачилик кластери ташкил этиш режалари муҳокама қилинди. Шавкат Мирзиёев ушбу барча чора-тадбирларни камраб оладиган Нурота тумани комплекс ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Аҳоли вақиллари — нуронийлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан суҳбатда шу каби режалар, Навоий вилояти ва мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳақида сўз берди. Президентимиз Нурота туманида ҳам тўпланиб қолган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётгани, ушбу ташриф чоғида яна улкан режалар белгиланишини қайд этди. Одамлар бизга ишониб, эртанги кунга умид билан қараляпти. Бу ишонч ҳар бир раҳбар юрагидан ўтказиб, янгича дунёқараш билан ишлаш, халққа хизмат қилиш керак. Энг муҳим масала — иш жойлари. Ҳамма ҳаракатларимиз аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари. Навоий иссиқлик электр станцияси юқори даражада санатлашган ва унга туташ минтақалардаги истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Йирик санаот корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолияти ва аҳолини янада ишончли электр энергияси билан таъминлаш ушбу станцияда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига бевосита боғлиқ. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида Навоий иссиқлик электр станциясида бўлиб, иккинчи буғ-газ қурилмаси пойдеворида тамал тоши қўйган эди. Умумий қиймати 432 миллион АҚШ долларига тенг ушбу иншоотнинг қуввати 450 мегаватт. Қурилиш “Mitsubishi Corporation and MHP” консорциуми ва Туркиянинг “Caik Eneji” компанияси томонидан амалга оширилмоқда. ИЭСда ишга туширилган биринчи лойиҳадан фарқли равишда иккинчи буғ-газ қурилмасида жами 200 гикалория (Гкал) иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бугунги кун-

да лойиҳанинг буғ турбина қурилмасида синов-созлаш ишлари олиб борилмоқда. Президентимиз буғ-газ қурилмаси газ турбинасининг ишлаш жараёнини кўздан кечирди. Аънавий электр станцияларининг фойдали иш коэффициентини ошириш йўллари ишлаш бунун дунё технологиялари эътиборидаги масала. Буғ-газ қурилмалари ушбу муаммонинг замонавий ечимидир. Иссиқлик электр станцияларининг фойдали иш коэффициентини одатда 40 фоизни ташкил этади. Навоий ИЭСнинг биринчи буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоиз бўлса, иккинчисида 61 фоизга тенг. Буғ-газ қурилмаси тўлиқ тайёр ҳолда жорий йил сентябрь ойида ишга туширилади. Давлатимиз раҳбари эътиборига лойиҳа амалга оширилиши туфайли эришилаётган натижалар ва буғ-газ турбинасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги тақдимотлар ҳавола қилинди. Буғ-газ қурилмаси ишга туширилиши натижасида йилга 3 миллиард 454 миллион киловатт-соат электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа самарасида 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфи камайиши ҳисобидан йилга ўртача 829 миллион куб метр табиий газ тежаллади. Мамлакатимиз энергетика тизимида 2025 йилгача яна бир қатор замонавий буғ-газ қурилмалари барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, минг нафардан ортиқ хизмат кўрсатувчи юқори мақоли мутахассислар тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради. Президентимиз ушбу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Навоий ИЭС базасида буғ-газ қурилмалари учун ҳодимлар тайёрлайдиган ўқув маркази ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Корхонада Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA молиявий кўмада ўқув маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бу ерда 166 мутахассис тайёрларилган эди. Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари ва хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди. Энергетика тизимида амалга оширилаётган бундай йирик инвестиция лойиҳалари мавжуд энергетика қувватларини ошириш, энг муҳими, истеъмолчиларни узуқсиз энергия манба билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожлантириш, ҳудудлар инфратузилмасини тўдан яхшилашга замина яратлади. Замонавий технологиялар жорий этилиши эса ёқилғи сарф-харажати ва атраф-муҳитга чиқарилаётган зарарни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида сансалорликка чек қўйиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича **ўн беш кундан кўп бўлмаган мuddатда** ижро иши юритушини тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади; томонлар ўртасида ижро предметига доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш мuddатининг тугаши ижро иши юритушини қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланади. Бунда медиация тартиб-таомилларини такроран амалга оширишга йўл қўйилмайди; томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш натижалари бўйича ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда давлат ижрочили ижро иши юритушини тугатади; медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнига **давлат ижрочили ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланади.**
2. Белгиланган кўйилсинки, 2019 йил 1 июндан бошлаб: ижро иши юритушини кўзатиш тўғрисидаги масала ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб **бир иш куни ичида** ҳал этилади; ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ҳаракатлар қарздорнинг аризасига ёки давлат ижрочилисининг ўз ташаббусига кўра **кўпи билан икки марта** кенчиктирилади; ижро ҳаракатларини бажаришга юзага келган масалаларни тушунтириш учун давлат ижрочили томонидан тайинланган **мутахассис** ижрочининг қарори билан танишган кундан бошлаб **ўн беш иш куни ичида ёзма ҳулоса тақдим этишга мажбур.**
3. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
 - а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Мажбурий ижро бюроси) **Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини** (кейинги ўринларда — Ягона электрон база) юротида, унга тегишли маълумотлар базаси тизимлари билан интеграция қилиш йўли билан қуйидагилар киритиб борилади:
 - ижро органлари юритувида келиб тушган барча ижро ҳужжатлари;
 - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан солинган ва ундирилган маъмурий жарималар ҳақидаги маълумотлар;
 - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)нинг қонун ҳужжатларида белгиланган мuddат давомида ихтиёрий тартибда бажарилмаган маъмурий жарималарни қўллаш тўғрисидаги қарорлар мажбурий ижро этиш учун электрон ҳужжат кўринишида автоматик равишда Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига юборилади;
 - ижро ҳужжатларида ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки телефони (мобиль) рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжати берган бошқа орган (мансабдор шахс)га тақдим этилган бўлса) ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ижро иши юритушини кўзатиш тўғрисидаги хабарнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда **электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида** йўлланади;

Биз ва хон

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ АҚШДАГИ ЭЪТИРОФИ

Яқинда АҚШда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик мавзусига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ҳодимлари, диний бирлашмалар етакчилари, диншунос экспертлар ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари қатнашди. Анжуманда Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, маърифат ва диний илмларни суриш бўйича институционал механизмларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сайёҳаракатлар хусусида тақдирот ҳам ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланувчи махсус резолюциянинг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.



Ислохот

Солиқ соҳасидаги ўзгаришлардан ким қандай наф кўради?

Солиқ соҳасида олиб борилаётган мутлақо янгича ислохотлар аҳоли ўртасида қандай кутиб олинапти? Таъкидлаш жоизки, бу борада амалиётга таъбиқ қилинаётган ўзгаришлар одамлар, айниқса, тадбиркорлар ўртасида ҳар хил акс садо бераётгани бор гап. Бир томондан, бундай плурализмнинг бўлгани яхши. Зеро, фикрлар хилма-хиллиги солиқ бўйича ўртага ташланган ғояларни янада такомиллаштириш, ташаббусларни эса мукамал амалга ошириш учун замин яратади. Аввалги тизим қатор муаммолар туғдирганди Дарҳақиқат, солиқ тизими жамяят тарққиёт тенденциясига мутаносиб ривожлантирилиши, вақти келганда, ўзгартирилиши табиий ҳол. Илғор мамлакатлар тажрибаси шундан далолат беради. Бироқ ўтган йилларда республикамиз солиқ тизими догматик ҳолатга тушиб, тараққиёт йўналишларига тўсқинлик қила бошлагани, қўллаб муаммолар тўпланиб қолганидан ҳам кўз юмиб бўлмайдими. Хўш, бу нималарда кўзга яққол ташланди?



Парламент ҳаёти

Транспорт-логистика тизими: МУАММОЛАР ҚАЧОН ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

Транспорт-логистика тизимини ривожлантириш энг долзарб масалалардан бири. Бу борада мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, улардан самарали фойдаланганимиз, деб айтолмаймиз. Сабаби аниқ: Миллий авиакомпания (МАК) ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан янги логистика йўналишларини очиб, йўл харажатлари таннархини қисқартириш, соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда рақобатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмапти. Экспорт ва импортнинг кўп вақти (ўртача 11 кун) ва кўп ҳужжатлар (тахминан 10 та) талаб қилинмоқда. Қолаверса, бошқарувга менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш ишлари суств. Бу эса тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлашга ғов бўляпти. Денгизга чиқиш имкониятимиз ҳам чекланган. Шу боис махсулотлар экспортда қийинчиликлар юзага келмоқда. Санаб ўтилган ушбу муаммолар “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси ҳамда Санаот, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишида кўтарилди.



Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Давоми 2-бетда.



БАРҲАЁТ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ КАТТА ҚИШЛОҚЛАРДАН БИРИ — ЧИЯЛ ЯНГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА ҚАСБ ЭТМОҚДА.



Осмонда булутлар "кўрпа солди"га йиғилган момолар савагичига илашган пахтадек сочилган. Бироқ булут деганлари кўнгида ҳам йўқ эмас. Ахир уфқларга туташган ям-яшил галлазорлар қиш бўйи "кўрпа" кўрмади. Азалдан ризқи лалмикор ерга боғланган эл учун бу яхшигина тавшиш-да. Бодом ҳаддини билмасдан гуллаб қўйди, февралнинг бошидан қўй-қўзининг оғзига чим илашди. Нима бўлса-бўлсин, энди бу ёғига совуқ бўлмасин-у, кўкнинг обираҳматидан дариг тутмасин, денг...

тармоғи тортилди. 11 янги трансформатор ўрнатилди, 85 таси мукамал таъмирланди. 5 та артезиан қудуғи қавлашиб, 2 таси реконструкция қилинди. 8,6 километр сув тармоғи ётқизилди. Эҳтиёжмандларга 3 122 та маиший газ баллони тарқатилди.

Худуддаги 10 614 та хонадон хатловдан ўтказилди. Айни пайтгача 10 472 та тураржой ва 142 та нотураржой объектига кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди. Аҳоли уй-жойлари ва нотураржой объектиларнинг ташқи қисми таъмирланди. Эътиборлиси, аҳолининг уй-жойларини таъмирлашга қаратилган маблағларни ҳисобидан 41 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ҳашар асосида бунёд этилган янги уйга қўчиб қирган ёхуд уйлари таъмирланган, хомийларнинг бошқа ҳимматларидан баҳраманд бўлган эҳтиёжмандларнинг қувончи чексиз.

Танти йигитларнинг ўзига хос мусобақаси

Чиялдаги тўққиз маҳаллада кейинги чорак аср давомида шаклланган бир эзгу аянања Борки, бунақасини бошқа жойда учратмайсиз. Айтиш жоизки, бу бетакрор удум "Обод қишлоқ" дастури ижросига ҳамоҳанг тарзда янгича мазмун кашф этилди.

Қўқам арафасида бу маҳаллар кўчаларида "Мен сендан камми?" дея бир-бири билан кимўзарга иш тутадиган танти ва чўртқесар йигитларини учратиш мумкин. Улар айримлар син-

тари томини бир-бирдан баланд кўтариш, зўрроқ машина олиш ёхуд дабдабали тўй қилишдан асло баҳс бойлашмайди.

— Чияллик ёшлар ҳар йили Наврўзни кутиб олиш асносида ҳамжиҳатлик билан элнинг оғирини енгил қилишга одатланган, — дейди Чироқчи иқтисодиёт коллежи директори Алламурад Келдиев. — Собик синфдош йигитлар ҳар бир маҳалланинг аҳолисини бириктириб, ўзларининг ҳисобидан Наврўз сайлини ташкил этади. Бунда улар Наврўз олдида маҳалла ёшлари орасида волейбол, футбол сингари спорт турлари бўйича мусобақалар, кураш, арқон тортиш, кўпкари каби миллий ўйинларга бош-қош бўлади. Маҳалла фойдалари, оксоқоллар улардан йўл-йўри, кўрсатма, маслаҳатларини аямайди. Бутун маҳалла аҳли, ёшу қари бир жойга тўпланиб, дошқозонларда ош дамланади. Яхши ниятли момоларимиз, онахонларимиз сумалак ва бошқа миллий таомларимизни тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ қилади.

Энг қизиги энди бошланади. Домларнинг айтишича, Наврўз кунини маълум бир ёшдаги собик синфдошлар йиғилишиб, даврага чиқиб, "Рози бўлсангизлар, келгуси йилги Наврўз сайлини ташкил этишни биз зиммамизга олсак", деб маҳалла оксоқолларидан руҳсат сўрашади. Уларнинг вақили келгуси йил эл учун нималар қилмоқчи эканлигини айтишади. Маҳалла аҳли, кайвонилар маслаҳатлашиб, бир қарорга келишади. Нурунийлар ёшларга оқ фотиҳа бериб, розилик билдиришади. Шу тариқа собик синфдошлар ким қаерда яшаши, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, бир йил давомида масъулият билан эл

хизматига бел боғлайди. Оқтўнли ва Чиял маҳалларида қирқ ёшга тўлганлар навбат билан бу хизматга тайёр турсалар, Аннарўз маҳалласида 37, Тўқмор, Сувлик, Фаллакор маҳалларида 34, Чувиллоқ, Уймутов маҳалларида эса 39 ёшга тўлганлар сайлини ташкил этади.

"Еган-ичганимиз — ўзимизники, қолданиганимиз гапир", дейди ҳамқишлоқлар. Энг муҳими, Наврўз байрами хизматини зиммасига олган йигитлар ўз маҳалласидаги ночор, эҳтиёжманд оилаларга ғамхўрлик қилишади, беморлар ҳолидан хабар олиб, ёрдам беришади, маҳалланинг ички ва ташқи йўллари, масжидларни, қабристонларни, мактабларни таъмирлаш, ободонлаштиришда ўз ҳимматларини аямайди.

«Наврўз солномаси» битилмоқда

Мана, шу хайрли ишлардан бир шингилни тингланг-а. Чиял худудидан мавсумий оқиб турадиган Қумдарё дарёси устига Оқтўнли, Чувиллоқ, Жунли қишлоқларидаги ҳомийлар ва собик синфдошлар ҳисобидан 4 та кўприк ўрнатилди.

Аннарўз маҳалласи ёшлари қишлоқ қабристонини ободонлаштириш учун артезиан қудуғини бунёд этиб, худудни чучук сув билан таъминлабди.

Тоқчи қишлоғи ёшлари эса ўзлари ўқиган мактабга артезиан қудуғи қуриб, спорт майдончаларини таъмирлаб берибди. Сувлик, Оқтўнли, Тўқмор синга-

ри қатор маҳаллаларга кириш йўлларида замонавий рамзий дарвозалар ўрнатилди. Тўқморлик наврўзчилар ўзлари таҳсил олган мактаб йўлига асфальт ва шағал ётқизиб берибди. Шунингдек, бу маҳаллада "Наврўз солномаси" деб номланган китоб ташкил этилган. Бу китобда Наврўз тарихи, маъруза аянања қачондан, қай тартибда бошлангани, Наврўз сайли хизматидаги йигитларнинг исми-фамилияси, туғилган йили, мактабни қачон битиргани, Наврўз муносабати билан эл учун қандай эзгу ишларни бажарганилиги ёзилди...

— Бу йил — бизнинг навбатимиз, — дейди тўқморлик наврўзчилар етакчиси, тадбиркор Шерзод Янгибоев. — Уттиз тўрт ёшга тўлган синфдошлар Наврўз сайли ва байрамолди тадбирларини ўз зиммамизга олганмиз. Бизда бу навбат ортиқча қутилади. Шунга яраша тараддул кўришиб, маблағ жамғарилади. Ҳеч ким ҳаражатдан оғринмайди. Аксинча, йигитларимиз элнинг юзига елка тутиб, оксоқоллардан дуо олишни ўзларига фахр деб билишади. Айни пайтда бизнинг синфдошлар бу йил акаларимиз бошлаган ички йўллари таъмирлаш ишларини давом эттириш, маҳалламиздаги "Кўзибозор" жоме масжидининг қурилиш ишларига қўмаклашиб, эҳтиёжманд оилаларга газ баллонлари тарқатиш, катта кўприк ва футбол мусобақаларини ташкиллаштириш тадориғини кўришяпти.

Қишлоқда самимият яшади. Аммо урбанизация деганларим тараққиёт талаби-да. Шойримиз Эркин Воҳидов айтганидек, "қишлоқлик, бугун, аввалги қишлоқчи эмас". Яқин-яқинларга чаккам-дуқкам, паскам, паҳсаю лойсувоқ улардан иборат бўлган Чиялда ҳам ҳадемай намунавий лойиҳа асосидаги кўркам уйлар, кўп қаватли иморатлар қад ростлаб, қишлоқлик ё аннарўзлик момолар "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги сингари "лип этиб" тепага чиқовди, балконлардан бир-бирларига қўл силкишиб юришса, ажабмас...

Бироқ бир нарса аниқ. Чиялликлар янги, шахарча турмуш тарзига ўзларининг содда ва самимий, илдишлари олис ўтмишига туташган гўзал, ҳаммаша барҳаёт ва бетакрор қадриятлари билан кириб боришади. Чунки эзгулик ва оқибат бу элнинг одамлари танига сўт билан қирган...

Нуриддин ЭҒАМОВ.
Қашқадарё вилояти

Дарвешонаю кўпкари ва кураш тадбирларига ёхуд Чиял бозорига жам бўлганларнинг гурунглари об-ҳавою нарху наво билан бошланиб, беихтиёр худудда "Обод қишлоқ" дастури асосида амалга оширилаётган ишларга улашиб кетади. Зеро, бу дастурнинг ҳаётбахш ҳарорати дилларни кўккам офтоби мисол яйратмоқда.

Чироқчи туманидаги Чиял қишлоғи нафақат Қашқадарё вилоятида, балки мамлакатимиздаги энг катта қишлоқлардан биридир. Аннарўз, Сувлик, Чувиллоқ, Тўқмор, Қумдарё, Фаллакор, Зўм, Чиял ва Уймутов каби тўққизта маҳаллани ўз ичига олади. Ушбу худудда 10 мингдан ортиқ хонадонлар мавжуд, 62 мингдан зиёд кишилар истиқомат қилади.

Чиял вилоятда биринчи бўлиб "Обод қишлоқ" дастурига киритилди. Унинг ижроси доирасида худудда замонавий шифохона қурилди. 90, 103, 104, 108 ва 102-мактаблар, 10-мактабга таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Мазкур бунёдкорлик тадбирларига республика бюджетидан 14 миллиард 511 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Чекка қишлоқда шахардагидан қолшмайдиган замонавий боғча бунёд

этилди, десангиз, биров ишонмайди, — дейди худуддаги 13-мактабга таълим муассасаси мудири Мушарраф Нурқобилова. — 100 ўринли муассасамиз реконструкцияси ўтган йилнинг охирида тугалланди. Энди Чиялнинг болалари муштдекликдан замонавий билимларни, хорижий тилларни ўрганиш имконига эга.

40 дан ортиқ тадбиркорларга ишлаб чиқариш корхоналари қуриш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида ер майдонлари ажратиб берилди. Ҳозирги кунда бу борадаги қурилиш ишларига ташаббускор тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан 22,4 миллиард сўм сарфланди.

— Маҳалладошимиз Мурод Қулмуродов хусусий боғча ташкил этиш ҳаракатида юрибди, — дейди "Чиял" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Бойназаров. — Баҳром Мамарасулов ҳаммом, Тўра Аҳмедов тикувчилик цехи, Шаҳриддин Раҳмонов мебель цехи очди. Нурали Мирзаев замонавий супермаркет қурапти...

Туман ҳокимлиги маълумотларига кўра, дастур доирасида 34,9 километр ички хўжалик йўллари таъмирланди. Электр учун 1 190 та темир-бетон устун ўрнатилди ва 137 километр ҳаво

«HASHAR WEEK» ЛОЙИҲАСИ БОШЛАНДИ

Жорий йилнинг 11 — 17 март кунлари пойтахтимизда илк бор Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Махсустрас" корхонаси, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида "Hashar week" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасида брифинг ўтказилди.

Ҳафталик

Мутахассислар маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида кунига 2 минг, йилига 700 минг тонна, республика бўйича эса йилга 7-8 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг бор-йўғи 4-5 фоизгина қайта ишланмоқда. Тўрта йўналишни ўзига қамраб олган лойиҳанинг дастлабки талаби — махсус яратилган "Hashar week" мобил иловани юклаш ва акцияда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш. Сўнг пластик, қоғоз, шиша чиқиндиларни алоҳида саралаб, пойтахтнинг 11 туманидаги 21 та қабул қилиш пунктга олиб келиш керак бўлади. Ғолиблар, фаол иштирокчилар ҳафт

алик охирида аниқланади ва тақдирланади. Маърифат йўналишида эса 22 та мактабда интерфаол очик дарслар ҳамда оммавий маърузалар ўтказилади. Санъат йўналишида бадиий кўргазма, бизнес йўналишида "Яшил стартап" лойиҳалари тақдими, "Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти" мавзусида мунозара ташкил этилади. "Ўзбекистонда яшил иқтисодиёт: иллюзия ёки ҳақиқат" мавзусида конференция уюштириш кўзда тутилган. Брифингда лойиҳани амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Д. АБДУРАИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти ДК

тахририятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик ташкилотлар қатнашиши мумкин. Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар 2019 йилнинг 23 мартгача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел./факс: 71-233-10-17. Тел.: 71-236-01-87.

Ўзбекистонда Халқаро картошка кунини 19 март

Техник тақдимот (спикерларнинг чиқишлари)
Кўргазма ва кооперацион биржа
Техника янгиликлари намойиши
Картошқадан ярим фабрикатлар ишлаб чиқарувчи заводнинг очилиши

Фақат мутахассислар учун.
https://potatoday.uz сайти орқали иштирок этишга буюртма бериш мумкин.
Мурожаат учун телефон: 90-906-46-60.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 988 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида ролундан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар
санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар
гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17, Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.by

Тахририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазлиф берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Муасхих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 02.40 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6